

ПЗ-2014-0916095841 АДСС 15.28.3

Махаллий хом ашёлардан яллиғланишга, аллергияга, диабетга қарши ва регенератив хусусиятга эга аппликацион фитодерматологик дори турлари технологиясини ишлаб чиқиш ва фармакологиясини ўрганиш

Лойиха раҳбари – фарм.ф.д., проф. З.А.Назарова

Лойиха режаси бўйича таркибида тут ва газанда барглари, сачратқи илдизи, тирноқгул гуллари, шунингдек қисрақ хапри, майдагулли тоғрайхон ва қирқбўғин ўтларини сақловчи турли аллергодерматозлар, тери яллиғланиши ҳамда диабетик оёқ кафти яллиғланиши синдромини комплекс даволаш ва олдини олиш учун аллергияга, диабетга қарши ва регенератив хусусиятга эга доривор йиғмаларнинг илмий асосланган таркиби ишлаб чиқилди ва яллиғланишга қарши ва модда алмашинувини тузатиш хоссасини ўрганиш учун фармакологик тадқиқотларга топширилди.

Лойиха режаси бўйича аллергияга, диабетга қарши ва регенератив хусусиятга эга таркибида тут ва газанда барглари, сачратқи илдизи, тирноқгул гуллари, бўймодарон, қисрақ хапри, майдагулли тоғрайхон, тоғ куддузи, осие ялпизи ва қирқбўғин ўтларини сақловчи доривор йиғмалар асосида, суюқ ва куруқ экстрактлар олишга таъсир этувчи омиллар (экстрагент тури ва миқдори, гидромодуль, хом ашёнинг майдалик даражаси ва б.) ўрганилди ва технологиясини ишлаб чиқилди, экстрактлар фармакологиясини ўрганиш ва дозасини белгилаш учун тақдим этилди

Лойиха режаси бўйича турли аллергодерматозлар, тери яллиғланиши ҳамда диабетик оёқ кафти яллиғланиши синдромини комплекс даволаш ва олдини олиш учун таркибида суюқ ва куруқ экстрактлар фитокомп-лексини сақловчи мураккаб таркибли суртма (гел ва крем), олеогел, сепма ва куруқ суртма ҳамда фитоплёнкалар таркиби ва технологияси ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқиладиган дори турларни таркибини илмий жиҳатдан асослаш учун дори ва ёрдамчи моддаларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссалари ўрганилди. Ушбу воситаларнинг дозаси, таркиби ва технологияси тўғри танланганлиги фармакологик изланишларда исботланди.